



Use of the results of operational-search activities in the initiation of criminal proceedings

Azizkhon PULATOV¹

Supreme School of Judges with the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

25 February 2025

Keywords:

criminal procedure,
operational search activity,
proving, evidence,
results,
grounds,
reason and initiation,
interrelation,
criminal case,
human rights and freedoms.

ABSTRACT

This article analyzes the characteristics of utilizing operational-search activity results in the initiation of criminal cases. Particular attention is given to the grounds and reasons for initiating a criminal case, as well as the issues surrounding the decision to initiate or refuse to initiate a criminal case. Alongside an examination of national and foreign legislation, this article also analyzes the opinions of scholars on the subject.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1-pp1-4>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноят ишини қўзғатишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноят ишини қўзғатишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Энг муҳими жиноят ишини қўзғатиш асослари ва сабаблари, жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш масалаларига эътибор қаратилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

жиноят процесси,
тезкор-қидирув фаолияти,
исботлаш,
далиллар,
натижалар,
асос,
сабаб ва қўзғатиш,
ўзаро боҳлиғлиги,
жиноят иши,
инсон ҳуқуқ ва
эркинликлари.

¹ Doctor of Philosophy in Law, Supreme School of Judges with the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan.

Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при возбуждении уголовного дела

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

уголовный процесс,
оперативно-розыскная
деятельность,
доказывание,
доказательства,
результаты,
основание,
повод и возбуждение,
взаимосвязь,
уголовное дело,
права и свободы человека.

В данной статье проанализированы особенности использования результатов оперативно-розыскной деятельности при возбуждении уголовного дела. Особое внимание уделено основаниям и поводам для возбуждения уголовного дела, вопросам возбуждения или отказа в возбуждении уголовного дела. В данной статье наряду с национальным и зарубежным законодательством проанализированы мнения ученых.

Жиноятни аниқлаш жиноят ишини қўзғатиш учун асослардан бири ҳисобланади. Тезкор-қидирув тадбир жараёнида қилмишни жиноят сифатида расмий рўйхатдан ўтказиш ва тергов ўтказиш тўғрисидаги процессуал қарор қабул қилиш учун шароит ва замин яратилади. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатишга асос ва сабаб бўлиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш асослари ва сабаблари қонунда назарда тутилган бўлиб, жиноят ишини қўзғатиш сабабларини қонунда назарда тутилган маълумот манбалари деб тушуниш лозим, жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш масаласини ҳал қилиш мажбурияти жиноят содир этиш (ёки содир этишга тайёргарлик кўриш) аломатлари тўғрисида манбада мавжуд бўлган дастлабки маълумотларни текшириш бўйича суриштирув органи, терговчи ёки прокурор ваколатига юклатилган. Жиноят ишини қўзғатишнинг сабаблари суриштирув органи, терговчи, прокурор, суд ва судья томонидан олинган (жиноят содир этиш ёки содир этишга тайёргарлик кўриш) белгилари тўғрисида дастлабки маълумот манбасидир, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўлиши мумкин. Хусусан, жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаб сифатида ҳар қандай манбадан олинган маълумотлар бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган (шахсларнинг аризалари, жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши).

Бундай манбаларга, ноошкора шахслардан олинган хабарлар (жиноят содир этишга тайёргарлик кўриляётган, содир этиляётган ва содир этилган жиноятлар ҳақида) ҳам бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, жиноят ишини қўзғатиш сабаби тегишли маълумотларни олган шахс томонидан тузилган жиноят белгиларини аниқлаш тўғрисидаги билдиргиси ҳисобланиши мумкин. Тегишли шаклда тузилган жиноят тўғрисидаги маълумотлар жуда хилма-хил бўлиши мумкин, аммо улар конкрет ва маълум бир манбадан олиниши керак. Шу муносабат билан, жиноят белгиларининг мавжудлигини тасдиқловчи ва тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ҳамда ваколатли мансабдор шахс томонидан берилган билдирги, жиноят ишини қўзғатишга қонуний сабаб бўлишига хизмат қилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида билдирги дастлабки маълумотни олиш пайтида ва маълумот етарли бўлмаганда тузилмаслиги лозим. Бунинг сабаби, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ёки содир этилаётган жиноят тўғрисидаги маълумотларнинг процессуал равишда аниқланмаган маълумот манбаига эгаллиги (ариза берувчининг ёки айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз йўқлиги) билан боғлиқдир, дастлаб, унинг латентлигини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий хавфли ҳаракатлар ва аниқ жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи фактлар бўлмаслиги мумкин. Шу муносабат билан билдиргида кўрсатилишидан олдин, олинган дастлабки маълумотларнинг текширилиши ва баҳоланиши лозим саналади. Демак, мансабдор шахс томонидан олинган ижтимоий хавфли қилмишни кўрсатувчи тезкор маълумотлар, унинг мазмуни жиноят ишини қўзғатиш учун ишонч ҳосил қилиши лозимдир. Жиноят таркибини белгилашга имкон берадиган фактларни йиғиш, текширишни ва баҳолаш бўйича комплекс ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутади. Албатта, қонун чиқарувчи жиноят ишини қўзғатиш учун асос мавжуд бўлишини кўрсатган. Жиноят ишини қўзғатиш учун асос тезкор-қидирув фаолияти натижалари сифати ва комплекс ҳаракатлари ҳисобланади.

Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун белгилаб қўйилган жиноят таркибининг барча элементлари талаб қилинмайди, лекин фақат маълум бир жиноят таркибининг энг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи индивидуал белгиларини ўрнатиш кифоя қилади.

Яъни, шахсни аниқлаш, айблилик шакллари, мотиви, мақсади, усули ва бошқа ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлаш жиноят ишини қўзғатиш босқичининг вазифасига киритилмаган. Ушбу вазифани фақат судгача ва суд босқичларида ҳал қилиш мумкин. Шунга кўра, тезкор-қидирув фаолияти натижаларида фақат жиноят белгиларини кўрсатадиган етарли маълумот бўлиши керак.

Бундай маълумотларнинг кўлами ва мазмуни ваколатли давлат органида (мансабдор шахсда) жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни асослашга имкон берадиган маълумотларга эга эканлигини кўрсатиш керак. Ҳар бир ҳолатда, маълумотларнинг етарлилиги масаласи мансабдор шахс томонидан ўзининг ички ишончига кўра, тўпланган барча материалларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Фактик маълумотларнинг етарлилиги уларнинг умумийлиги бўйича ҳам, жиноят аломатларини кўрсатувчи ҳаракатни содир этиш ёки тайёргарликни тахмин қилиш мумкин (версияларни илгари суриш) бўлган индивидуал маълумотлар сифатида ҳам кўриб чиқирилиши мумкин. Масалан, зўравонлик билан ўлим аломатларини кўрсатувчи мурданинг топилиши жиноят содир этганлиги тўғрисида асосли тахмин қилиш учун кифоя қилади. Гарчи ўлим фактини ўзи ҳали аниқ бир жиноятни кўрсатмаса ҳам, фақат унинг аломатининг мавжудлигини белгилайди, бу нафақат, котиллик, балки ўз жонига қасд қилиш ёки бахтсиз ҳодиса натижасида ҳам бўлиши мумкин.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг мазмунида, тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун ҳам сабаб, ҳам асос бўлиши мумкин, фақат асос – агар жиноят тўғрисида ариза ёки содир этган шахс

айбини бўйнига олиш тўғрисида арз бўлганда (Жиноят-процессуал кодексининг 122-моддасига биноан, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги белгиланган ҳамда 322-моддасида ҳам кўрсатилган), улардаги маълумотлар тезкор текширишни талаб қилганда, қилинган аризанинг мазмунини тасдиқловчи фактик маълумотларни олишда, фақат сабаб – объектив маълумотлар жиноят белгиларининг мавжудлигини кўрсатганда ва ушбу маълумотлар тезкор-қидирув тадбири натижасидан аниқланган бўлса.

Бундан ташқари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асосларига қуйидаги умумий талаблардан ташқари, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлигини ҳам ўз ичига олиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 322-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.